

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари, божхона хизмати
подполковниги


М.М.Баракаев
“10” 10 2022й.



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент
вилояти бўйича бошқармасининг Нурафшон шаҳридаги янги маъмурий
биносини қуришобъектида 2019-2021 йилларда олиб борилган қурилиш-
монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш бўйича

ТЕХНИК ШАРТ

Буюртмачи: Тошкент вилояти божхона бошқармаси

Комиссия аъзолари:

Моддий-техника таъминоти
бўлими бошлиғи

Ж.Курбонов

Молия-иктисодиёт бўлими
бошлиғи

Б.Жаҳонгиров

АКТ ва киберхавфсизликни
таъминлаш бўлими бошлиғи

И.Мусабеков

Капитал қурилиш гурухи
бош инспектори

Д.Сайдалиев

Комиссияси котиби:

Молия-иктисодиёт бўлими
бош инспектори

М.Миркамолов

Нурафшон шаҳри -2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармасининг Нурафшон шаҳридаги янги маъмурий биносини қуриш обьектида 2019-2021 йилларда олиб борилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш бўйича

ТЕХНИК ШАРТ

1.	Хизматлар рўйхати:	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармасининг Нурафшон шаҳридаги янги маъмурий биносини қуриш обьектида 2019-2021 йилларда олиб борилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш
2.	Объект номи:	Тошкент вилояти божхона бошқармасининг Нурафшон шаҳридаги янги маъмурий биносини қуриш
3.	Объект жойлашган манзил:	Индекс: 111500, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 63-уй
4.	Буюртмачи:	Тошкент вилояти божхона бошқармаси
5.	Молиялаштириш манбаи:	Тошкент вилояти божхона бошқармасининг махсус фонд маблағлари ҳисобидан
6.	Лойиҳачи ташкилот:	“QASHQADARYO MAX SERVIS” МЧЖ
7.	Пудратчи ташкилот:	“OLMOS QURILISH INVEST” МЧЖ
8.	Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати:	38 658 162 335 сўм ҚҚС сиз, 44 942 692 660 сўм ҚҚС билан
9.	Объектда қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказишга кўйиладиган талаблар:	<p>1. Объектда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган қиймати ва бажарилган иш учун тўланган ва тақдим этилган <u>нархларни</u>, пул миқдорини текшириш.</p> <p>2. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган хусусиятларга ва мақсадларга мувофиқлигини текшириш.</p> <p>3. Айрим иш турларининг бажарилган ишлар далолатномаларида тақроран акс эттирилганлигини текшириш.</p> <p>4. Илгари тўланган ишларни қайтадан тўловга тақдим этилганлиги, ўрнатиш ишлари таркибида бўлган асбоб-ускуналарнинг алоҳида акс эттирилганлигини текшириш.</p> <p>5. Ҳақиқатдаги иш шароитлари ва ишлар таснифига (масалан, баланд бинолардаги, қиши мавсумдаги ва ҳ.к.) мос келмайдиган</p>

	<p>коэффициентларнинг кўлланилганлигини текшириш.</p> <p>6. Асбоб-ускуналар ва коммуникация тизимларининг синовдан ўтказилмаган ҳолда бажарилган ишлар таркибига киритилганлиги текшириш.</p> <p>7. Қабул қилиш актларида кўрсатиб ўтилган ҳажмларни амалда бажарилганлигини ва объектларни фойдаланишга тайёрлигини аниклаш.</p> <p>8. Объектда ишлатилган қурилиш материаллари ва буюмларнинг яширин иш далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш.</p> <p>9. Назорат ўлчовини техник хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.</p> <p>10. Назорат ўлчовини амалга оширишда қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив-хукуқий ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш.</p> <p>11. Назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш обьектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса, ушбу ҳолатларни кўрсатиш.</p> <p>12. Ҳисботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текшириш.</p> <p>13. Қурилиш обьекти бўйича тайёрланган шаҳарсозлик хужжатлари ва ҳисботларининг тўғрилигини текшириш.</p> <p>14. Лойиҳа хужжатлари, бажарилган ишлар тўғрисидаги таклифлар ва счет-фактура асосида обьектда амалга оширилган ишларнинг физик ҳажмларини ўлчаш.</p> <p>15. Назорат ўлчови натижаларига кўра, лойиҳа хужжатлари, таклиф ва ҳисботларда назарда тутилган иш турлари бўйича шартнома асосида бажарилишини таъминлаш.</p> <p>16. Назорат ўлчови натижаларига кўра, қурилиш обьектида амалда бажарилган ишларнинг лойиҳадан четга чиқиш ҳолларини кўрсатиш.</p>
--	--

17. Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги расмий келишув, шартнома, таклиф, лойиха хужжатлари ва ҳисботлари асосида қурилиш обьектидаги қурилиш материалларининг ҳажми, нархи, техник параметрлари ва сифатини, уларнинг қўлланилишини текшириш.
18. Ҳисботларда акс эттирилган ва амалда бажарилган ускуналар ва алоқа тизимларини синовдан ўтказиш.
19. Буюртмачининг манфаатларини тегишли ваколатли органларда учинчи шахс томонидан ўтказилган назорат ўлчовининг натижаларини ҳимоя қилиш
20. Қурилиш обьектларида қурилиш материалларининг ҳажмини, нархини, калькуляциясини, техник параметрларини, сифатини бош пудратчи томонидан тақдим этилган хужжатлар (битим, ҳисоб-фактура, юк хати, сертификати, лаборатория хulosалари ва бошқалар) асосида ўрганиб, буюртмачи ва пудратчи ташкилот ўртасида ўзаро расмий келишув, пудрат шартномаси, лойиха хужжатлари ва ҳисботлар асосида қўлланилганлигини текшириш.
21. Назорат ўлчови ўтказиша қурилиш обьектларининг смета хужжатларида иш турларини ҳисоблашда меъёрлар асосида қўлланилган бир бирлик одам/соат ва машина/соат учун ҳақиқатда (қурилиш ишлари технологияси ва хусусиятига таъсир этган ҳолатлардан ташқари) бажарилган ишларни ҳаққонийлигини текшириш.
22. Объектда тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари ва қўшимча бажарилган иш ҳажмларига аниқлик киритиш.
23. Назорат ўлчови натижаларининг махфийлигини таъминлаш.
24. Назорат ўлчовини амалга оширувчи ташкилот унинг натижалари учун жавобгар ҳисобланади, шартнома муддати тугагандан кейин ҳам Буюртмачининг манфаатларини учинчи шахс олдида ҳимоя қилиш мажбуриятини олади (кафолат беради).

10.	Ижрочига ва ижрочининг ходимларига қўйиладиган талаблар:	<p>Иштирокчилар куйидаги мезонларга жавоб бериши керак:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги (<i>ташкилотнинг олий техник маълумотга эга бўлган ходимлари сони камида 35 киши бўлиши керак</i>), ҳар бир соҳада кадрлар мавжудлиги. Танловга тақдим этилган обьектга ўхшаш қурилиш-монтаж ишларида назорат ўлчовларини ўтказиш соҳасида камида 10 йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга ошириш. 2. Назорат ўлчовини таркибида шаҳарсозлик соҳасида камида 35 нафар олий маълумотли ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган, қурилишнинг барча йўналишлари бўйича малакали, қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича етарли кўникмаларга эга ва сертификатга эга бўлган мутахассислари мавжуд корхона томонидан амалга оширилиши лозим (ходимлар рўйхати ва тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши лозим) 3. Молиявий барқарорлиги. 4. Айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида банк маълумоти (камида 10 млрд. сўм миқдорида). 5. Иқтисодий судлар Ажримига асосан суд қурилиш экспертизасини ўтказишда тажрибага эга бўлиши (тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши лозим). 6. Тақдим этилган обьектга ўхшаш обьектларнинг қурилиш-монтаж ишлари назорат ўлчовларини ўтказиш бўйича тажрибага эга бўлиши, камида 3 та (тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши лозим) 7. Охирги бир йил ичida қурилиш-монтаж ишларининг умумий қиймати 40 млрд. сўмдан ошган камида 5 та обьектда назорат ўлчов ишларини амалга оширган бўлиши керак (тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши лозим) 8. Архитектура-шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун
-----	--	---

		<p>ЛИЦЕНЗИЯ (мураккаблик бўйича камида 2-тоифалик)</p> <p>9. Ушбу лойиҳада иштирок этадиган мутахассислар тўғрисида маълумот, тўлиқ ФИО, маълумоти, назорат ўлчов ишларини амалга оширишдаги иш иш тажрибаси.</p> <p>10. Объектда назорат ўлчовини ўтказувчи мутахасисларнинг малакасини тасдиқловчи маҳаллий ва халқаро малака сертификатларининг нусхалари (агар мавжуд бўлса)</p>
11.	Хужжатлар таркиби (буортмачи томонидан тақдим этилади):	Буюртмачи ва пудратчи корхона вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш хуқуқини берувчи буйруқ, Лойиҳа-смета хужжатлари (ПСД), ПСДга ноидоравий экспертиза ташкилотининг эксперт хулосаси, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси, бажарилган ишлар далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида, таққослаш варақаси ва ташкилотнинг талабларига биноан назорат ўлчовларини амалга ошириш учун бошқа хужжатлар.
12.	Объектда назорат ўлчовини ўтказиш муддати:	Олдиндан тўлов (бўнак) амалга оширилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь куни.
13.	Ишларни тугатганда ва топшираётганда буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар:	<p>Кўрсатилган хизматларнинг натижаси ҳисоботлар, хизматлар кўрсатиш хулосалари шаклида расмийлаштирилади.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Пудратчининг хизматларини қабул қилиш Буюртмачи раҳбарияти томонидан тасдиқланган натижалар асосида бажарилган ишларни топшириш далолатномаси орқали қабул қилинади - Объектда назорат ўлчовини ўтказилгани бўйича тайёрланган хулоса, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура.
14.	Назорат ўлчови бўйича тайёрланган хулосада қуидагилардан иборат бўлиши:	<p>Назорат ўлчовлари натижалари бўйича тақдим этиладиган хулосага қуидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Курилиш-монтаж ишлари назорат ўлчови бўйича Далолатномаларга “кузатув хати” - Курилиш-монтаж ишлари назорат ўлчови бўйича “Далолатномалар” - Курилиш-монтаж ишлари назорат ўлчови бўйича “Далолатнома”га ҳисоб-китоб варақлари (ведмость)

Ишлаб чиқди:
Капитал қурилиш гурухи
бош инспектори



Д.Сайдалиев